



З.ИСЛОМОВ,
 филология фанлари доктори,
 Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг
 илмий ишлар ва инновациялар бўйича
 проректори

КАЛОМ ИЛМИГА ОИД МУҲИМ ТАДҚИҚОТ

Ўзбекистон дунё илм-фани, ислом маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган юрт. Бу табаррук заминда яшаб ижод этган олимлар илм-фаннинг барча соҳалари бўйича қалам тебратганлар ва дунё хазинасига муносиб улуш бўлиб қўшилган бебаҳо асарлар ёзганлар. Бу мўътабар қўлёзма асарлар ҳозирда юртимиз ҳамда дунёнинг барча мамлакатлари хазиналарида сақланмоқда. Бой маънавий меросга, аجدодларимиз илмий бойликларига юртимиз мустақилликка эришган кундан бошлаб муносабат тубдан ўзгарди. Бой ўтмиш меросимизнинг пешқадам олимлари илмий мероси чуқур ўрганила бошланди. Бунга Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий, Абу Муъин Насафий, Абу Ҳафс Насафий, Баҳовуддин Нақшбандий каби минглаб алломаларимиз номларини мисол килиб келтириш мумкин. Мана шундай олам таниган, шуҳрати ислом дунёсига кенг ёйилган мутакаллим олим ўзи яшаган даврдаёқ замондошлари томонидан “Имому-л-худа” — “Тўғри йўлга солувчи

имом”, “Қудвату аҳли-с-сунна” — “Аҳлу-с-суннанинг андозаси”, “Қолеъу абобили-л-фитна ва-л-бидъа” — “Фитна ва бидъат тўдаларини ағдарувчи”, “Имому-л-мутакаллимин”- “Мутакаллимларнинг пешвоси”, “Рофеъу аъломи-ш-шариъа” — “Шариъат байроқдори”, “Мусахҳиҳу ақоиди-л-муслимин” — “Мусулмонларнинг ақидаларини тузатувчи” каби шарафли номларга сазовор бўлган имом Абу Мансур Мотуридий саналади.

Ўзбекистонда хорижий мамлакатларда алломанинг ҳаёти, илмий меросига бошланган айрим тадқиқотлар яратилган. Эътиборли томони нафакат шарқ мусулмон дунёси, балки ғарб олимлари ҳам Абу Мансур Мотуридий илмий меросига қизиқиш билан қараб уни ўрганишга бағишланган тадқиқотлар яратмоқда. Мана шундай тадқиқотларга Германиянинг Фридрих Эберт фонди томонидан профессор Ульрих Рудольфнинг Абу Мансур Мотуридий ҳаёти, илмий мероси, калом илми ривожига аҳамиятига бағишланган тадқиқоти саналади.

Германиянинг Геттинген университети арабшунослик институти профессори Ульрих Рудольфнинг юкоридаги тадқиқоти юзасидан “Ал–Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти” номли китоби Фридрих Эберт фон-дининг фалсафий – илоҳий соҳадаги дастлабки наشري бўлиб ҳисобланади.

Мазкур монография муқаддима ва уч қисмдан иборат. Асар муқаддимасида Абу Мансур Мотуридий илмий меросининг кам ўрганилганлиги, узок муддат илм аҳли назаридан четда қолганлиги ҳақида фикр юритилади. Муаллиф имом Абу Мансур Мотуридийнинг илоҳиёти, таълимотини тўғри ёритиш мақсадида аллома ҳаёти, илмий мероси, унга замондош ҳанафий мазҳаби олимлари ҳақидаги маълумотларга эга бўлган манбаларни чуқур илмий таҳлил қилган. Бунда Абу Мансур Мотуридий икки жиҳатдан, биринчиси Абу Ҳанифанинг ишончли издоши сифатида, иккинчиси Ашъарийнинг шарқдаги намунаси мазмунида таҳлил қилинади.

Тадқиқотнинг биринчи қисми “Эроннинг Шимоли–шарқидаги ҳанафийлик мазҳабининг тарихи ва шарт-шароити” деб номланган. Унда муржиъий–ҳанафий таълимотининг дунёга келиши, унинг ривожини муфассал ёритилган. Мазкур таълимот Абу Ҳанифанинг икки рисоласи, Абу Муқотил Самарқандийнинг “Китобу–л–олим ва–л–мутааллим”, Абу Мутеъ Балхийнинг “Китобу–л–фикҳи–л–абсат” асарларининг илмий таҳлили билан ёритилган. Бу асарлар ҳанафий мазҳаби таълимотининг асосини ташкил этади. Тарихий жараённинг тадрижий давоми сифатида муаллиф Абу Бакр Самарқандий, Ибн Карром илмий фаолиятига, хусусан, Ибн Карром қарашларидаги ҳанафийлик таълимоти асослари ҳақида маълумот беради.

Абу Мансур Мотуридий ҳаёт вақтидаги илоҳиёт таълимоти ҳақидаги муҳим маълумотлар мазкур қисмнинг асосий мазмун–моҳиятини ташкил этади. Дастлабки таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, ҳанафий мазҳабидаги самарқандлик ҳамда балхлик уламолар орасида яқин ҳамкорлик алоқалари бўлган. Бу фикрни исломшунос олим т.ф.д. А.Мўминов ҳам таъкидлаб ўтган. Монографиянинг мазкур қисми ўзидаги фактик маълумотларнинг нодирлиги, илмий аҳамияти билан ажралиб туради.

Китобнинг иккинчи қисми имом Абу Мансур Мотуридийнинг калом илми, илоҳиёт майдонида чиқиши билан боғлиқ. Унда алломанинг ҳаётига оид илк манбалардан жамланган маълумотлар келтирилган. Муаллиф Абу Мансур Мотуридийнинг забардаст илоҳиётчи олим сифатида шаклланишига ўз ҳиссаларини қўшган устозлари Абу Бакр Жузжоний, Абу Наср Иёдийлар ҳақида маълумот беради, уларнинг ҳар бири қайси йўналиш бўйича таълим берганлигини алоҳида таҳлил қилади. Бу соҳада илмий ишларни янада чуқурлаштириш мақсадга мувофиқ бўлар эди, чунки ўша давр манбалари ҳали тўлиқ илмий муомалага кiritилган эмас. Уларнинг илмий ўрганилиши мавжуд маълумотларни янги фактлар билан тўлдиради. Мотуридийлик таълимот бўлиб шаклланган даврдан бошлаб қўплаб халқлар унга эътиқод қила бошлаганлар. Бу ўз–ўзидан Абу Мансур Мотуридий таълимотининг ёйилиши ва у билан шуғулланувчи олимларнинг кўпайишига олиб келди. Тадқиқотда уларнинг пешқадамлари сифатида Абу Аҳмад Иёдий, Абу–л–Ҳасан Рустуффоний, Абду–л–Карим Паздавийлар келтирилган ва манбалардан олинган улар тўғрисидаги маълумотлар берилган.

Монографияда ханафий мазҳабидаги илоҳиётчи олимларнинг Абу Ҳанифа билан боғланиш шажараси ҳам келтирилган. Бу эса Ульрих Рудольфнинг нафақат Абу Мансур Мотуридий даври уламолари ва илмий мероси, балки ханафий мазҳабининг илк даврдан бошланган ривожланиш жараёни билан яқиндан танишлигини кўрсатади.

Яна бир муҳим жиҳати Мотуридий илмий меросига бағишланган маълумотларининг ўзига хослигидир. Бу маълумотлар тадқиқотчини аллома қаламига мансуб асарлар, улардан бизнинг давримизгача етиб келган нусхалари билан яқиндан таништиради. Алломанинг “Китобу-т-тавҳид”, “Китоб таъвилот аҳли-с-сунна” асарлари батафсил таҳлил қилинган.

Ульрих Рудольф асарининг учинчи қисми “ал-Мотуридий таълимоти” деб номланади. Муаллиф Абу Мансур Мотуридий таълимотининг асосий моҳиятини очиш мақсадида “Китобу-т-тавҳид” асарининг таркибий таҳлилини келтиради. Шу тариқа мотуридийлик таълимотининг айрим қирраларини ёритишга ҳаракат қилади. Муаллиф Абу Мансур Мотуридийнинг билиш назарияси масласига ҳам алоҳида тўхталади, ханафийлик мазҳаби ҳамда калом илмининг асосий хусусиятлари батафсил ёритишга ҳаракат қилади. Масалан, билиш назарияси, инсон ва унинг афъоли, имон ва гуноҳ мавзулари бўйича мавжуд маълумотлар берилиб, ундан сўнг бу мавзулар бўйича Абу Мансур Мотуридийнинг ўзига хос фикрлари ва таълимотининг ижобий жиҳатлари илмий далиллар билан келтирилган.

Монография Абу Мансур Мотуридийнинг ислом оламида тутган ўрни, таълимотининг аҳамияти очиб берилган муфассал илмий хулосалар билан яқунланган. Мазкур тадқиқотнинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки,

муаллиф ўз илмий изланиши давомида Мотуридий номига нисбат берилган қатор асарларни аниқлаган. Бу асарларнинг аксарияти Абу Мансур Мотуридий томонидан ёзилмаганлиги далиллаган ва шу ҳақидаги маълумотларни илмий асослаган ҳолда тадқиқотига илова тарзида киритган. Ульрих Рудольф катта ҳажмдаги манбалар, турли тиллардаги илмий тадқиқотлардан фойдаланган. Бунга истифода этилган адабиётлар рўйхати далил бўла олади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, дарҳақиқат, Ульрих Рудольф жуда катта хайрли ишни амалга оширган. У калом илмининг ашъарийа мактабидан алоҳида мустақил равишда яратилган, маҳаллий ақлу заковат соҳиблари томонидан янги тараққиёт поғонасига олиб чиқилган мотуридийлик мактаби ҳақида зарур манбаларни тўплашга ҳаракат қилган, уларни баҳоли қудрат илмий таҳлил қилган. Бу эса мустақиллигимиздан кейин ўрганила бошланган диний илмлар, илоҳиёт, хусусан, Абу Мансур Мотуридий асос солган таълимотни ўрганишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади. Мазкур тадқиқот Марказий Осиёдаги ислом тарихи, исломшунослик бўйича тадқиқот олиб боровчи мутахассислар учун нодир манба бўлиб хизмат қилади, деган умиддамиз.

Алломаларимиз маънавий меросини ўрганишдаги галдаги вазифаларимиз ислом маданияти, таълимоти, санъатига оид манбаларни ўрганишни жадаллаштириш, улар асосида олиб борилаётган илмий тадқиқотларни янги илмий талаблар асосида амалга оширилишини таъминлаш, халқимизни сермазмун илмий, диний бойлигимиз манбалари, уларнинг инсон камолотига хизмат қилувчи жиҳатлари билан кенгроқ таништиришдан иборат.